QASHQADARYO VILOYATI
SHAHRISABZ SHAHAR HOKIMINING QARORI

2021 yil 8 fevral **№ HQ-15/02-son** **Shahrisabz shahri**

Шаҳар ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ транспорт воситаларининг 2021 йилда мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Шаҳар ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Шаҳарда транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш қуйидаги даврийликка мувофиқ белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли

юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси— шатакчи учун белгиланган муддатларда;

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб бир йил ўтгач (мазкур бандниng “а” кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

3. Мазкур қарорнинг 2-банди “а”кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта— жорий йилнинг 1 мартидан 30 июнгача;

иккинчи марта — жорий йилнинг 1 сентябридан 31 октябргача ўтказилсин;

юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги жорий йилнинг 1 мартидан 30 июнгача ўтказилсин;

жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги жорий йилнинг1 январидан 31 августгача ўтказилсин.

4. Шаҳарда техник кўрикни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг 2021 йилги мажбурий техник кўригини ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси,

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши назарда тутилсин.

6. Мажбурий техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борувчи ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолинсин.

7. Мазкур қарор КЕШ газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2020 йил 28 январдаги Х-71/01 сонли "Шаҳарда 2020 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Бўриев зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими **А.Сулаймонов.**

ДЕВОНХОНА

АСЛИГА ТЎҒРИ

Шаҳрисабз шаҳар ҳокимининг
2021 йил 8 февралдаги
HQ-15/02-сонли қарорига
1-илова

Шаҳрисабз шаҳар ҳудудида 2021 йил автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

Комиссия раиси:

С.Умаров	Шаҳрисабз шаҳар ИИБ автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этишини назорат қилиш бўлими бошлиғи, ката лейтинант

Аъзолари:

С.Қудратов	Шаҳар мудофаа ишлари бўлими Резервчилар ва резервдаги ҳарбий хизматга мажбурларни ҳисобини олиб бориш бўлинмаси бошлиғи
А.Ғаниев	Шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи
У.Хужақулов	Шаҳар ИИБ ЙҲХБ жамоатчилик вакили
А.Исомиддинов	Шаҳар ИИБ ЙҲХБ жамоатчилик вакили
	Қашқадарё вилоят синов ва сертификатлаш марказидан шаҳарга бириктирилган вакил
Т.Муминов	Вилоят транспорт бошқармасидан шаҳарга бириктирилган вакил
	Вилоят “Саноатконтехназорат” инспекциясидан шаҳарга бириктирилган вакил

Эслатма: *Ушбу ташкилот раҳбарлари ЙҲХБга юборилган ходимларнинг техника кўриги давомида вазифалари ва иш ҳақи сақланиши таъминлансин.*

Шаҳрисабз шаҳар ҳокимининг
2021 йил 8 февралдаги
HQ-15/02-сонли қарорига
2-илова

Шаҳрисабз шаҳрида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга тегишли автомототранспорт воситаларининг 2021 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Автохўжалик ва ташкилотлар номи	Жойлашган манзили	Кўрикдан ўтадиган кун	Вақти	Кўрикдан ўтадиган жойи	Транспорт воситаси сони
1	"Кеш авто ўргатувчи" УК	Нукус 69	1.03	8.00	Автосарой	3
2	"Азизбек Обидович" х/к	Фусункор кўча	1.03	14.00	Автосарой	1
3	"Жасмин интер транс" МЧЖ	Беруний 36	2.03	8.00	Автосарой	1
4	"Суяров Жахонгир Бахтиёрович" х/к	Тараққиёт 55	2.03	14.00	Автосарой	2
5	"Голдбридге плюс" МЧЖ	Дўстлик 1	3.03	8.00	Автосарой	2
6	"Дилнозшод" МЧЖ	Ж.Жалилов 24	3.03	14.00	Автосарой	1
7	"Махаммадиев Мақсудбек Сирожиддинович" х/к	70	4.03	8.00	Автосарой	2
8	"Азизбек Суюнович" ф/х	Фарғона 103	4.03	14.00	Автосарой	1
9	"Кеш сайёраси" х/к	Шухрат 37	5.03	8.00	Автосарой	2
10	"Асл юрт фарзанди" х/к	Мукумлик 10	5.03	14.00	Автосарой	1
11	"Трансформер инвест" МЧЖ	А.Қодирий 12	9.03	8.00	Автосарой	10
12	"Шаҳрисабз лойиҳа" МЧЖ	Низомий кўча	10.03	8.00	Автосарой	2
13	"Покиза нон плюс" МЧЖ	Беруний 111	10.03	14.00	Автосарой	1
14	Шаҳрисабз "Ватанпарвар"	Синабоғ кўча	11.03	8.00	Автосарой	15
15	Шаҳрисабз Агроиқдисодиёт КҲК	Т.Боходир 28	12.03	8.00	Автосарой	8
16	Шаҳрисабз АБЗ-130 МЧЖ	Пиллакашлик 17	12.03	14.00	Автосарой	4
17	"Кеш-Меҳри" кўзи ожизлар ишлаб чиқариш	Шерозий 78	15.03	8.00	Автосарой	5
18	"Эргаш ўғли Абдуваси" МЧЖ	Миробкўча	15.03	14.00	Автосарой	2
19	"Кеш омадли яшил чироғи" УК	Х.Бахши 45	16.03	8.00	Автосарой	7
20	"Кеш шахт ранс" МЧЖ	Капкон кўча	16.03	14.00	Автосарой	2
21	"Шаҳрисабз вино-ароқ" АЖ	Ипак йўли170	17.03	8.00	Автосарой	14
22	"Қарши нефт базаси" МЧЖ Шаҳрисабзфилиали	Ипак Йўликўча	18.03	8.00	Автосарой	12

23	Автомобилчи МТП МЧЖ	Х.Бахши 45	19.03	8.00	Автосарой	33
24	Ахмедов Ахтам Бухорович МЧЖ	Беруний 34	23.03	8.00	Автосарой	1
25	Махобат қурилиш МЧЖ	Янгиҳаёт к/қ	23.03	14.00	Автосарой	4
26	Қашқадарё Электр тармоқлари ОХЖ	Беруний кўча	24.03	8.00	Автосарой	12
27	Комфорт транс МЧЖ	Фитрат 72	25.03	8.00	Автосарой	14
28	"Мерос" МЧЖ	Т.Боходир 32	26.03	8.00	Автосарой	1
29	"Дон-халқ ризқи" АЖ	Беруний 111	26.03	14.00	Автосарой	14
30	"Кеш замин қурилиш сервис" х/к	Беруний 120	29.03	8.00	Автосарой	5
31	"Қарши наво" МЧЖ	Ипак Йўликўча	29.03	14.00	Автосарой	1
32	Рашидов Аслиддин Бахтиярович	Ипак Йўликўча	30.03	8.00	Автосарой	2
33	Дустёров Мусурмон Ражабович МЧЖ	Гулханий 42	30.03	14.00	Автосарой	1
34	"Турон банк" АТ	Ипак йўли2	31.03	8.00	Автосарой	3
35	"Ипак Йўли" банк	Пиллакашлик 22	31.03	14.00	Автосарой	2
36	Амиркулов Сарвар Саидович х/к	Беруний кўча	1.04	8.00	Автосарой	1
37	Азамат спорт соғломлаштириш маркази	Пиллакашлик кўча	1.04	14.00	Автосарой	1
38	"Шаҳрисабз махсус сув дренаж" МЧЖ	Тутзор 3	2.04	8.00	Автосарой	10
39	Траст Фалконсервич МЧЖ	Ойбек 10	5.04	8.00	Автосарой	1
40	Дилфайз фирмаси	Зафаробод 25	5.04	14.00	Автосарой	1
41	Кеш-авто-транс МЧЖ	Алмати к/қ	6.04	8.00	Автосарой	10
42	Механизациялашган колонна 14 МЧЖ	Лахутий 3	7.04	8.00	Автосарой	20
43	Шахрисабзфарм МЧЖ	Беруний 54	8.04	8.00	Автосарой	7
44	Агрокимёҳимоя УК	Ипак йўли105	8.04	14.00	Автосарой	2
45	"Голд Гранд Стоне Инвест" МЧЖ	Маърифат 43	9.04	8.00	Автосарой	1
46	Хумоюн МЧЖ	Оқсарой 2	9.04	14.00	Автосарой	9
47	Хисор Давлат қўриқхонаси	Ипак йўли140	12.04	8.00	Автосарой	3
48	Кўхнакешйўлсозинвест МЧЖ	Маърифат 43	12.04	14.00	Автосарой	8
49	Элитэ картон бокс МЧЖ	Пиллакашлик	13.04	8.00	Автосарой	1
50	Бандликка кўмаклашиш маркази	Шаҳрисабз 21	13.04	14.00	Автосарой	1
51	Ахмедов Актам Бухорович МЧЖ	Беруний 34	14.04	8.00	Автосарой	1
52	Кеш-Авто-Транс" МЧЖ	Алмати к/қ	14.04	14.00	Автосарой	10
53	"Хисорак гидро қурилиш" МЧЖ	Пиллакашлик 2	15-16.04	8.00	Автосарой	70
54	Носиров Тура Улашевич х/к	Некузкўча	19.04	8.00	Автосарой	8

55	"ММХ" МЧЖ	Дустлик 12	19.04	14.00	Автосарой	1
56	Оқсаройтекстел МЧЖ	Беруний 44	20.04	8.00	Автосарой	15
57	"Омадлитанлов" МЧЖ	Ипак йўли90	21.04	8.00	Автосарой	1
58	"Бахтиёр" МЧЖ	Ипак йўли15	21.04	14.00	Автосарой	1
59	"Бахтиёр" МЧЖ	Ипак йўли15	22.04	8.00	Автосарой	1
60	"Исломота" хусусий савдо фирмаси	Учуйли қ/қ	22.04	14.00	Автосарой	1
61	ДСЭНМ	Ипак йўли195	23.04	8.00	Автосарой	3
62	"Жанубий-Ғарбий" Магитрал электр тармоқлари	Ипак йўли102	26.04	8.00	Автосарой	14
63	Оқсув ирригация тизимибошқармаси	Ипак йўликўча	27.04	8.00	Автосарой	4
64	"Хисоргеология" ДУК	Ипак йўли94	28-30.04	8.00	Автосарой	83
65	"Кеш профил" хусусий корхонаси	Ипак йўли170	3.05	8.00	Автосарой	2
66	Кеш инаватцион авто мактаб МЧЖ	Касаначи 1	3.05	14.00	Автосарой	5
67	Агротехсервис МЧЖ	Ипак йўли2	4.05	8.00	Автосарой	1
68	Хикоят-касс-савдо хусусий корхонаси	Зингирон 15	4.05	14.00	Автосарой	2
69	Кеш авто ўқув ишлаб чиқариш МЧЖ	Наматон қ/қ	5.05	8.00	Автосарой	6
70	"Ал Саид Санжарбек" корхонаси	Ш.Рашидов 12	5.05	14.00	Автосарой	4
71	"Узбектелеком" АК	Фурқат 1	6.05	8.00	Автосарой	1
72	"Саитов Бекзод" хусусий корхонаси	Беруний 50	6.05	14.00	Автосарой	3
73	Шер Ислом интер транс МЧЖ	Номозгоҳ 10	7.05	8.00	Автосарой	5
74	Паризода Саидалиевна к/к	Уймовут қ/қ	7.05	14.00	Автосарой	1
75	Ибн Сино хусусий корхонаси	Юксалиш 62	10.05	8.00	Автосарой	2
76	Темиров Жамшид Нумонович МЧЖ	Навруз 2	10.05	14.00	Автосарой	1
77	Греат футуре эдим МЧЖ	Ипак йўликўча	11.05	8.00	Автосарой	1
78	Қашқар мавж голден МЧЖ	Увайсий 24	11.05	14.00	Автосарой	1
79	"227-ХМКК" МЧЖ	Фусункор кўча	12.05	8.00	Автосарой	2
80	"Кеш Улуғбек қурилиш" МЧЖ	Ипак йўликўча	12.05	14.00	Автосарой	1
81	Хирот йўллари хусусий корхона	Ипак йўликўча	13.05	8.00	Автосарой	1
82	Шах инвест пласт хусусий корхона	Ипак йўликўча	13.05	14.00	Автосарой	1
83	Қаюм Хайдаров авлодлари х/к	Ипак йўликўча	14.05	8.00	Автосарой	1
84	Кеш Илхом бахт инвест х/к	Ипак йўликўча	14.05	14.00	Автосарой	1
85	Статус дармон фарм корхонси	Ипак йўликўча	17.05	8.00	Автосарой	1

86	Тура Асқар ўғли и/ч савдо фирмаси	Ипак йўликўча	17.05	14.00	Автосарой	1
87	"Юсупов Асадбек Актамович" фирмаси	Ипак йўликўча	18.05	8.00	Автосарой	4
88	Ободонлаштириш департаменти	Ипак йўликўча	19.05	8.00	Автосарой	13
89	Шохжахон Озодбек Саъдиев х/к	Ипак йўликўча	20.05	8.00	Автосарой	1
90	Хайдаров Илхом Қаюмович х/к	Ипак йўликўча	20.05	14.00	Автосарой	1
91	Муштарийбону улгуржи савдо фирмаси	Ипак йўликўча	21.05	8.00	Автосарой	1
92	Шаҳрисабз босмахонаси	Ғ.Ғулом 3	21.05	14.00	Автосарой	1
93	Генерал сервис х/к	Кичик Новқат к/қ	24.05	8.00	Автосарой	1
94	Маданий мерос бошқармаси	Ипак йўли89	24.05	14.00	Автосарой	1
95	"Ҳисор юлдузи" х/к	Некуз 90	25.05	8.00	Автосарой	2
96	Агро Банк АТБ	Ипак йўликўча	25.05	14.00	Автосарой	1
97	Комфорт транс МЧЖ	Некус кўча	26.05	8.00	Автосарой	13
98	Тадбиркор ишлаб чиқариш с/ф	Ипак йўликўча	27.05	8.00	Автосарой	1
Жами						**564**

Ж а д в а л т у з д и:

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ЙҲХБ
бошлиғи катта лейтинант С.Умаров